

## Таҳоратнинг аввалида нима деймиз?

08:36 / 10.01.2019 4461

لاق نإو "ميجرلا نمرلا هلال مسب" :هواؤ يف لوقي نأ بحث سي  
"ىفك" هلال مسب.

Таҳоратнинг аввалида «**Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм**», деб айтиш мустаҳаб қилинган. «**Бисмиллоҳ**», деса ҳам кифоя. Соҳибларимиз айтишади: «Агар таҳоратнинг аввалида бисмиллоҳни айтмаса, давомида айтаверади. Хоҳ қасддан, хоҳ адашиб айтмай қолса ҳам, таҳорати мукаммал бўлади».

(Изоҳ: Матнда бисмиллоҳни айтиш мустаҳаб дейиляпти. Бу суннат маъносидадир. Бизнинг Имоми Аъзам мазҳабимиздан бошқа мазҳабларда суннат «мустаҳаб» деб юритилади.)

*Имом Нававийнинг «Ал-Азкор» китобидан*